

Рахматулла Саримсоқов

**Абдулла Қодирий номли Жиззах Давлат Педагогика
институти**

**Жиззах вилоят халқ ижодиёти ва маданий-
маърифий ишлар илмий-услубият
МАРКАЗИ**

**ЁМ
КИШЛОГИ
ҚЎШИҚЛАРИ**

(Услубий тўплам)

Жиззах – 2015 й

Тузувчи:

Рахматулла Саримсоқов

-Жиззах Давлат Педагогика институти мусиқа таълим йўналиши бўлими доценти.

Тақризчилар:

- 1. Жуманазаров Ў.**
- 2. Тангиров А.**
- 3. Лутфуллаев С.**

- Филология фанлари доктори Профессор.
- Доценти.
- Жиззах вилоят халқ ижодиёти ва маданий-маърифий ишлар илмий услубият маркази раҳбари.

Мухаррирлар:

Убайдуллаев X.

- Жиззах вилоят халқ ижодиёти ва маданий-маърифий ишлар илмий услубият маркази маданий-маърифий ишлар бўйича мутахассис.

Матнларни оққа кўчирувчи ва дизайнер:

Норматов X.

- Жиззах вилоят халқ ижодиёти ва маданий-маърифий ишлар илмий услубият маркази бош мутахассиси.

Сайфуллаева С.

- Жиззах вилоят халқ ижодиёти ва маданий-маърифий ишлар илмий услубият маркази бош мутахассиси.

А.Қодирий номли Жиззах Давлат Педагогика институти илмий кенгаши томонидан нашрга тавсия қилинган.

“ЁМ” ҚИШЛОҒИМ МЕНИНГ

Хар бир халқнинг ўзи учун эъзозли, қимматли бўлган маънавий, маданий бойликлари бўлиб, улар асрлар давомида авлоддан-авлодга ўтиб келган ва бу ҳозирги кунда ҳам ўзининг аҳамияти ва қадрини йўқотмаган ва шу халқнинг ифтиҳор манбайига айланган дурдоналари дур.

Хар бир халқнинг ўзига хос тарихий мероси, санъати ва адабиёти билан бир қаторда уларнинг урф-одат ва маросимлари, анъана ва удумлари, оғиздан-оғизга ўтиб даврлар мобойнида шаклланиб ижро этиб келинаётган оғзаки ижод намуналари уларнинг турмуш тарзида ўз ифодасини топган ва шу халқларнинг орзу-умидларининг ўзига ҳослигини, дунё қарашларини кўрсатиб берган.

Урф-одат, анъана ва удумлар, куй, қүшиқ, ялла, лапар, ёр-ёр ўланлар ва айтимлар ҳамда турли ўйинлар ҳар бир халқнинг келиб чиқиши негизи бўлиб, у шу халқнинг бутун борлигини кўрсатиб бериш билан бирга ўтмиши, бугуни ҳакида сўзлаш билан бирга уларнинг эртасини ҳам кўрсатиб беради. Шу билан бир қаторда келажак авлодни ўз эли ва халқига бўлган эътиқод, меҳр-муҳаббатини оширади.

Қадимдан ота-боболарымиз имкони борича ўзлари ўрганган ва ўзлари томонидан яратилған ўзига хос бойликларни күз қорачиғидек асраб, уларни авлодларга етказишга интилғанлар. Шу маңнода Жиззах вилоятидаги Зомин тумани худудида макон топған “Ём” қишлоғи халқнинг ўзига хос маданий меросини бугунги куннинг дурдонаси деб күрсатишимиз мумкун.

Ёмликлар ўтган авлодлардан мерос бўлиб қолган ва бугунги кунда ҳам ўз қадрини йўқотмаган урф-одат ва анъаналари, қўшиқ, ялла ва лапарлари ҳамда турли айтимларини кўз қорачиғидек асраб уларни келгуси авлодларга етказишни ўз бурчлари деб билганлар. Бу борада “Ём” фарзанди Баҳодир Розиков томонидан амалга оширилган ишлар бекиёсdir. Унинг “Кичкина бўлинг” (1992й), “Ём қишлоқлари ёхуд болалар фольклор қўшиқлари” (1993й), “Ём фарзанди монологи ёхуд ём қасидаси” (1994й), “Ём юздуzlари ёхуд дардга дармон бор Ёмда” (1995й), “Бекиёс Ёмим менинг” (1995й) номли рисолалари ва қўшиқлар тўпламларида “Ём” қишлоғининг урф-одатлари, гап-сўзлари, тўй-маракалари, анъана ва удумларининг айрим ўзига хос жиҳатлари тўғрисида тўхталиб ўтилган ва улардан намуналар келтирилган. У берган маълумотларда келтиришича Ёмликлар сўз ўйини қилиш, мақола ва ҳикматли сўзлардан фойдаланиш, давраларда матал айтиш, қизиқчилик, асқиябозлик қилиш, термалар айтишда жуда уста халқ бўлганлар. Бу гап қишлоқнинг эркак ва аёлларига бирдек тегишли бўлиб, хатто аёллар хайратомуз фазилатларни номоён этганлар.

“Ём” қишлоғида туғулиб, ўсиб, вояга етган Баҳодир Розиқов ўзи яшаб ўтган онларда күрган, билган ва эшигандар қалбидә бир умр мұхрланиб қолғанлиги баёнида қишлоқдаги түй-томушалар қадм-қадимдан “Ём” қишлоқ аҳлининг ўzlари томонидан уюштирилиб келингандыктың акс этирилген.

Бу томошаларда ҳар бир киши у каттами ёки кичик, аёлми ёки эркак ҳар хил ўйин, қизиқчилик, асқиябозлик, ўлан, лапарлар айтишда ўз маҳоратларини күрсатғанлар. Томошаларда эса бир бирини ҳурмат қилиш, обрусини сақлаш улар учун асосий бурч ҳисобланған. Бу каби ҳислатлар Ёмда ханузгача йўқолиб кетмаган.

Жумладан:- “Ём” қишлоғи оқсоқоли Исохон Қиличев ташаббуси билан қишлоқда ўтказиладиган ҳар қандай түйдан бир кун олдин алоҳида аёллар маракаси ўтказиладиган бўлиб, бунда аёллар турли ижроларда ўз маҳортларини намойиш этғанлар ва бу анъана бугунда ҳам ўз кучини йўқотгани йўқ. Шунингдек, Алимқўл бобо ижросидаги “Жон бургам”, Сойип қизиқнинг “Кичкина бўлинг”, “Сеторча”, ”Бир ёққа” лапарлари қишлоқ аҳлининг унитилмас қўшиқлари бўлиб ёдда қолган.

Баҳодир Розиқов ўша йиллардаги ижро этилган лапар ва қўшиқларни ҳалқ ўртасидаги тарбиявий аҳамиятини эслаб шу қўшиқларга хозирда ҳам катта талаб бор эканлигини ҳис этиб, тумандаги 21-мактаб ўқувчилари иштирокида “Қир-адирда ўйнаймиз” фольклор-этнографик композициясини яратған бу композиция профессор Тура Мирзаев томонидан юқори баҳоланған. Бу баҳо “Ёз қунларида” деб номланған янги композицияни дунёга келишига асосий туртки бўлган.

Ёмликлар ўта хазилкаш, ҳозир жавоб, асқиябоз ва сўз устаси бўлишган. Бундан ташқари қишлоқ ҳалқи мавсум ва маросим, меҳнат ва қасб-кор қўшиқларини ўзларининг доимий ҳамроҳлари деб билишган. Онахонлар ичидаги катта марсия айтuvчилар бўлиб, вафот этган киши фазилатларини қўшиққа солиб айтғанлар, бутун қишлоқ аёллари уларга жўр бўлиб йиғлаганлар. Тўйларда эса ҳам эркақ, ҳам аёллардан лапарчилар бўлиб, улар ўтқир сўз тифини маълум кишиларга қаратиб ичак узди айтишувлар қилишган ва бу айтишувлар баъзида тонггача давом этган. Қишлоқда фасллар қўшиқлари ҳам ижро этилиб бу қўшиқлар асосан ёш болалар томонидан куйланған ва шу йўл билан болалар ҳам ҳосил хирмон баракасига ўз ҳиссаларини қўшганлар.

Биз бугун Ём қишлоғининг маънавий мероси ҳақида сўз юритар эканмиз ўтган авлодлар томонидан бугунги кунга қадар етказиб келингандар ҳазиналар шу қишлоқда туғилиб ўсган Сайёра Тўраева ташаббуси билан қишлоқ ёшларига сингдирилаётганлиги энг қувончли ҳолдир. Сайёра Тўраева 1962 йилдан “Ём” қишлоғида туғилған. Шу қишлоқдаги ўрта мактабда ўқиган ва ўқиши давомида ўзининг тиришқоқлиги,

мехнатсеварлиги ва дунёқараши билан тенгдошлари ўртасида ажралиб турган. У мактабда бадиий ҳаваскорлик тўғарагининг фаол иштирокчиси сифатида туман ва вилоятда ўтказилган “Санъат ғунчалари” кўрик танловида қўшиқ ва лапарлари билан мунтазам иштирок этиб келган. Шу билан бир қаторда Зомин туманидаги “Шарқ тонги” газетасида ўзининг мақола ва хабарномалари билан қатнашиб турган. 1979 йилда ўрта мактабни тугатгандан сўнг қишлоқдаги “Ғунча” номли 5 болалар боғчасида мусиқа раҳбари, 1987 йилдан эса (К.Маркс) номли мактабда мусиқа раҳбари вазифасида ўз фаолиятини давом эттирган.

Устози мактаб директори Эргаш Қосимовнинг маслаҳати билан Жиззах Педагогика техникумининг сиртқи бўлимига ўқишига кирган ва тугатгандан сўнг шу мактабда етакчи вазифасида ўз фаолиятини давом эттирган. У “Камалак”, “Камолот ЁИХ” дастурларини ўрганиб мактабдаги ёшлар фаоллигини ошириб, улар билан “Қарсак”, “Жамалак” фольклор жамоасини ташкил этган ва халқ термаларини ўрганиш билан бир қаторда уларнинг ижросини йўлга қўйган.

Мустақилликдан сўнг мазкур фольклор жамоаси 50 нафар болалар иштирокида “Истиқлол ғунчалари” номи билан ўз фаолиятини давом эттирган ва С.Тўраева “Ём” қишлоғи аҳолиси томонидан қадимдан ижро этиб келинаётган ва ота мерос бўлиб қолган лапар, ёр-ёр, ўлан ҳамда халқ термаларини фольклор жамоасининг асосий дастурига киритган ва ана шу дастур билан “Янги авлод” болалар ижодиёти фестивалларида иштирок этиш билан бирга қишлоқ-туманда ўтказилган “Наврӯз”, “Мустақиллик” байрамларида ўзларининг дилрабо чиқишлирини намойиш этиб халқ назарига тушган.

2014 йил Республика халқ таълими вазирлиги, “Камолот ЁИХ” ҳомийлигига “Камалак” болалар ташкилоти томонидан ўтказилган “Камалак юлдузлари” кўрик-танловининг туман, вилоят босқичлари ғолиби сифатида республика босқичида иштирок этишини қўлга киритган. Шунингдек, “Ўзбекистон Ватаним маним”, Республика халқ таълими Касаба уюшмалари томонидан ўтказилган “Ўзбекистон сени куйлайман” кўрик-танловларида ҳам ўз дастурлари билан иштирок этиб Зомин туманида “Энг ёш ижрочи” номинацияси бўйича 1 ўрин соҳиби бўлган.

Сайёра Тўраева ўз фаолияти ҳақида сўз юритар экан,-“Менга қўшиқчиликка ҳавас уйғотган инсон онам-Бефотима Жўраевадир. Мен онамдан “Жақида”, “Ҳой боғ-гул боғ”, “Бобида гижданг”, “Кичкина пичноқча”, “Чучвара қайнайди” каби бир қатор лапар ва ўланларни ўрганиб, бугунги кунда ана шуларни халқимиз ўртасида ижро этиб келмоқдаман” дейди ва шу билан бир қаторда отаси Маматқул Турсунқулов ҳам ўз даврининг кўзга ташланган санъаткорларидан бўлиб доирани (чилдирма) чалишда у кишига teng келадигани йўқ эди деб

эслайди. Менга доира чалиш отамдан мерос бўлиб қолган. Мен уларнинг издоши сифатида элимиз ўртасида отам ишининг давомчиси бўлдим деб фаҳрланади.

Бугунги кунда С.Тўраеванинг қизи Мафтуна Тўраева, набираси Гулафрўз Ғуломова ижро этган қўшиқ, лапар ва термаларни ижро этиб уларни кейинги авлодга етказиша авлод давомчилар бўлиб келмоқда. Сайёра Тўраева Зомин тумани маданият уйида ташкил этилган “Зомин сайқали” халқ ансамблининг фаоли иштирокчиси сифатида “Икки дарё оралиғи” кўрсатувида ўзининг “Жақида” қўшифи билан чиқиши қилиб халқимиз эътиборини қозонган. Шу билан бир қаторда қишлоқ аёллари ўртасида фольклор жамоасини тузиб байрам ва йигинларда уларнинг чиқишиларини ташкил этган. У “Баҳор тароналари”, Ўзбекистон халқ артисти “Раҳима Мазоҳидова” хотирасига бағишлиланган тадбирда, “Ўлан айтгани келдик”, “Онам айтган аллалар”, “Оилавий ансамблар” кўриктанловларида иштирок этиб туман ғолиби ва вилоят босқичининг иштирокчиси бўлган.

Республика “Маънавият ва марифат” ва “Қадрият” кўрсатувларида фаол иштирок этиб келган.

“Ўлан айтгани келдик” танловининг Республика босқичида 2 марта, “Кўҳна замин оҳанглари” республика төлефестивалида “Ёшларни шакллантиришда миллий урф-одатлар ва анъаналарнинг тутган ўрни” мавзусидаги илмий-амалий конференцияда, Ватанимизнинг 23 йиллигига бағишлиланган “Ягонасан муқаддас Ватан, севги ва садоқатим сенга баҳшида гузал Ўзбекистоним” республика дастурида ЎзТвнинг “Ўзлигин намоён қил” телешовусида ҳам иштирок этди. Унинг халқ оғзаки ижоди намуналарини халқимизга етказишдаги бебаҳо хизматлари келажак авлодлар учун дастури амал бўлиб хизмат қиласи деб ишонамиз.

Биз “Ём” қишлоғида қадимдан ижро этилиб келинган қўшиқларга этибор қаратар эканмиз бу ерда халқ оғзаки ижодининг дурдана намуналари сақланиб қолганлигини ёрқин гувоҳи бўлдик ва ана шу намуналарни халқимизга етказиш мақсадида мазкур қўлланмани сизнинг хукмингизга ҳавола этдик.

Биз тўпламни тайёрлашда қўшиқлар, лапарлар, аллалар, ўланлар ва бошқа термаларни тўплашда яқиндан ёрдам берган Сайёра Тўраевага ўзимизнинг самимий миннатдорчилигимизни билдирамиз.

Х.Убайдуллаев

Сайёра Тўраева қўшиқлари



Онамдан эшитганларим (Буфотима Жўраева)

Мен 6-7 ёшлигимдан бошлаб онам билан бирга яшаганман. Чунки онамнинг турмуш ўртоғи 7 фарзанди дунёдан ўтганлиги сабабли ёлғиз турарди.

Дадам у кишига уй солиб берган, онам ёнимизда яшарди. Онам ёлғиз бўлса ҳам рўзғори бутун хамма нарсаси бор эди. Тандир, ўчоқ, эчки-улоқ, мой-чой, кўрпа-тўшак, сурпа-тахта, хуллас бекаму-куст эди. Онам эртагу-масалга, лапару-ўланга, ёр-ёрга, доира чалишга жуда уста аёл эди. Онамнинг овози шундай кучли ширали эди-ки, (ҳозирги Муножатнинг овозидан ҳам ўтарди). Қишининг узоқ кунларида сандалга чўғни солиб, оёқларимизни тиқиб олиб ҳар хил, болалар қўшиқларини бирга айтардик.



С.Тўраева набираси Дилноза ва фольклоршунос Р.Саримсоқов билан

Терма

1. Ассалому алайкум янга
Үчоқ бошида танга
Танга юмалаб кетди
Хакка қуволаб кетди.

Хаккани қувлай-қувлай
Хон манга балиқ тутди
Балиқни ютдим қочдим
Тулли тепадан ошдим,

Тулли тепа тул бўсин
Мани оғам бой бўсин.

2. Тепдим сандиқ очилди
Тўрга бодом сочилди
У бодомни тергунча
Қанотларим қайрилди.
Қанот беринг учайлик
Оқ дарёга тушайлик.
Оқ дарёни оқ тоши
Янгамди қалам қоши
Янгамсано янгамсан
Кўйлак пичар билмайсан
Кўйлагингни ман пичай
Бошгинангга бир урай.

3. Кичкина пичоқча-ё
Кўлимди кесма-ё
Қаққа борасан-а
Токқа бораман-а.

Тоғда нима қиласан
Сувлар ичамана-а.
Сувларди зулфи-я
Дарвозанинг қулфи-я

Дарвозани ким очди
Куёв деган шум очди
Куёвди оти Али
Ёнида тилла тали

Тилла тали тил бўсин
Мамир акам бой бўсин

4. Кичкина

Чучвара қайнайди-я
Менга бермайди-я
Бермаса бермасин-о
Ховлимга кирмасин-о

Ховлим-ховлим узоқда
Ичган сувим булоқда
Ичиб-ичиб маст бўлдим
Дилбар билан дўст бўлдим

Дилбар кетди майлисга
Мени қўйди номусга.

Онам саранжом-саришта, пазанда, чевар аёл эди. У ичидаги бор дарду-ҳасратини, арзу-армонларини юракдан ўзи куйлар эди. Қўлида гоҳо урчук тутиб жун

йигирса, гоҳ қийқимлардан қулоқ гоҳ чопон тикса, гоҳо белбоғ тикар, гоҳ тандир солар, гоҳо әчки терисидан пүстак ийлаб, устида пахта, жун саварди.

Мени соchlаримни қатиқ-солиб ювиб кейин қирқ кокил қилиб ўриб қўярди. Соchlаримни ўриб бўлиб тенг иккига бўларди-да ўнг елкамни соchlарини чап тарафга, чап елкамни соchlарини ўнг тарафга ўтказиб шундай дер эди:

5. Ойда қулоч кунда тутам
Тутам, тутам кунда тутам
Омон булгин жоним болам
Сенга куёв менга палов.

Онам мени жуда яхши кўрар бирор жойим оғриб қолса мени ер-у кўкка ишонмас эди. Дарров исириқ тутатиб қуидагиларни айтар эди:

6. Исириқ исириқ дейдилар
Сиз-у бизга дейдилар
Бизга кеган балоларга
Даф бўлсин дейдилар.

Ҳазор усмон ҳазор дори
Қилдим худойимга зори
Жаҳонди охтардиму
Топмадим сиздай дори.

Ҳазор усмон ҳап бўсин
Кеган балога даф бўсин
Караганларди кўзига борсин

Сўйлаганларди сўзига борсин

Исириқ исириқ дониман
Жами ўтти қониман
Ҳаш-паш дегунча етаман
Ҳасадгуйни ютаман.

Онам янги кўйлак тикдириб кийдирадигандаги:
“Болам тоққа қараб тур, мана бу кўйлакни 3 марта
устига чиқиб тепгин”, -деб оёғим остига ташларди. Мен
янги кўйлагимни босгим келмай аранг онамни
айтганини қилардим. Онам бўлса:

7. Кўйлагини умри
Қисқа бўлсин
Болагинамди умри
Узун бўсин

Деб дарров мева сочарди. Кейин ўзи ясаган
доирасини чалиб мени ўйнатарди.

8. Дикир-дикир ўйнасин
Шунга тикон кирмасин
Кўзи қаттиқ бандаларди
Шунга кўзи тегмасин.

Онам тоат-ибодатни ҳам канда қилмасди. Ҳар йили
рамазон ойи рўза тутарди. Оғиз очилар пайти ҳар хил
ноз-неъматларни дастурхонга қўйиб: “буларга
фаришталар қўнади”-дер эди. Дастурхонда албатда

буғдой талқон (суга қорилған), нон ва ёнғоқ талқон бўларди, ва оғизни очишда қуидагиларни айтарди:

9. Рўза тутдим ор учун
Нозу неьмат бор учун
Рўзамиз қабул бўлсин
Бир чивинга жон учун.

Кечкуунлари кўпинча қўшниларникига машъала кўтариб чиқиб ё-рамазон айтардик.

10. Ё-рамазон айтиб келдик эшигингизга
Худойим ўғил берсин бешигингизга.

Тепадан ўчоқ ўйдирган
Қора қўйни сўйдирган
Мехмон келса хуш деган
Мехмонхона бўш деган.

Онам ҳар нарсага эътибор берар, ҳар бир нарсанни ирим-сиримини, айтимларини кўп биларди. Янги ой чиқса: “Болам янги ой чиқибди, қара ётиқроқ турибди бизга тинч, ўзига нотинч”,-дерди. Унга қараб ният билан дуо қиласди:

11. Янги ой узли-қутли бўлсин.
Янаги ой, кунларга соғ-омон етайлик.
Оймома айёра
Чилдирма тайёра
Чилдирмани чалайлик
Мастурахонни олайлик

Мастурахон ул туғса
Худойназар қўяйлик
Худойназар от осин
Отини сотиб қиз осин
Қизини оти Ойсара
Келиб кўринг бир бора.

Баҳор пайтлари қўшниларимиз қурт (пилла қурт) боқарди. Онам уларга тут баргини тозалашиб, чўпларини олиб чиқарди. Кейин тут чўпини ингичкаларидан бир боғ қилиб танлаб олиб сув тўла ҳовузга ташлаб қўярдида 3-4 кундан кейин катта нон сават, кичкина тухум, қурт соладиган сават, човли тўкирди.

Онам раҳон, ўсмани яхши кўтарди. Кошимга ўсма қўярдида юваётганда шундай дерди;

12. Ўсма тол
Қошимда қол
Қолмасанг ўлиб қол
Отанг кўмирчи
Кўмирдай кир
Онанг ўроқчи
Ўроқдай кир.

Онам болалари ўлганини ҳар куни эрталаб айтиб йиғларди. Бу ҳол ҳар куни такрорланарди. Агар қишлоқда бирор таъзия бўлса онам гўянда айтарди. Ёнидаги аёллар садирга тушарди. Онамнинг овози 40-50 аёлнинг овозидан ажраб турарди. Онам жун йигириб

алача тўқирди. Шунда ашула айтарди. 1970 йилларда қишлоғимиза Тошкентдан Охунжон Ҳакимов келган ва онамдан “Қарғалар” ашуласини ёзиб кетган.

13. Қарғалар учса қарайлик
Марғилонни йўлига
Ҳиди келса мас бўлайлик
Ҳандалакдек бўйига
Ҳандалак бўйликканам-о
Сан унда зор ман бунда зор
Тўтиқушни боласидай
Иккаламиз интизор
Интизорлик торта-торта
Танда тоқат қолмади
Йўл чивиндек сарғайиб
Учарга ҳолат қолмади
Йўл чивинди ҳолини
Йўлдан йўловчидан сўранг
Биз ғарибни ҳолини
Ақли расо ёрдан сўранг
Ақли расо ёр билмаса
Кўз ёшим дарё бўлиб
Оққан балиғлардан сўранг

Онам ёр-ёрни жуда кўп биларди, кўп айтарди.

14. Дарёга тош отманглар
Ботар кетар-ботар кетар
Узоққа қиз берманглар-о
Олар кетар-олар кетар
Узоқдаги қизларди

Ранги сариқ-ранги сариқ
Күзидан ёш оқади
Мисли ариқ-мисли ариқ.
Мисли ариқ мис бўсин
Сомон бўлсин-сомон бўлсин
Кетаётган шул қизимиз
Омон бўлсин-омон бўлсин.
Маматқулди ҳовлисидан
“Қийғир” учди-“қийғир” учди
Алибекди ҳовлисига
Келиб тушди-келиб тушди.
Алибекни томини
Толдан ёпган-толдан ёпган
Тол қамишдай келинди
Қайдан топган-қайдан топган.

Онамни ашула, лапар, ўланлари жуда кўп эди.
Афсус уларни ҳаммасини эслай олмайман.

Бизнинг Ём қишлоғи аҳолисига Зомин тумани ичida энг маданиятли, санъаткор халқ бўлган. Айникса Соиб отанинг “Ғалвирни эланг ғалвирни” деган ўйини, Алиқул бобонинг “Жон бурчам” ашуласи халқ орсида жуда урф бўлган. Аёлларни ҳам қўшиқчи, ўйичи бўлган.

Мен 2006 йил 13 февралдан бошлаб қишлоғимиздаги кекса онахонларимиздан қўшиқларни ёзиб ола бошладим. Ҳозирги кунда уларнинг барчаси оламдан ўтиб кетди.

Дастлаб Сайлбону она (82 ёшда)дан қуидагиларни ёзиб олдим. Она эса 91 ёшида вафот этди.

Сайилбону она Жураева қўшиклари



Кичкина чорбоғ ичида
Ўзи битган лўбиё
Ковушингга михча бўлай
Кўзгинангга тўтиё.

Тўтиё имлайди-ё
Бахти қаро билмайди-ё
Бул мани золим отам
Ўйнатгани қўймайди-ё.

Ковушим кўнгил хушим
Боғларни кезган ковушим
Остонадан ҳатлаб ўтиб
Тумшуғи кулган ковушим.

Кичкина чорбоғ ичида
Нав ниҳол ковуш изи
Бир босиб икки қарайди
Бул мусофириди қизи.

Бул мусофириди қизига
Кимлар берур аччик шароб
Кўзлари ўтдай ёниб
Қилди юрагимди кавоб.

Мусофиридан бу шахрингга
Қизарибман хуморингга
Балои гардишинг урсин
Сани дардинг бу жонимга.

Осмонда пириллайди
Үрдак десам бедона
Лабингдаги холингни
Сўрай десам седона.

Ўрик ичида ғўра
Қиз бўлсанг рўмол ўра
Бир ёқقا борар бўлсанг
Ота онангдан сўра.

Ўйинга тушган бўйингдан
Ларзон урган қўлингдан
Ўтирганлар айлансин.
Хандалайчадай бўйингдан.

Ўйинга тушган укамди
Тугмаси қатор-қатор
У тугмани ечгунча
Узок кеча тонг отар.

Рўмолим бор мушким бор
Ўйнай десам ишқим бор
Ўйнатгани қўймайди
Орамизда душман бор.

Рўмолимди сотаман
Ахчасига ботаман
Пичасига боғ олиб
Соясида ётаман.

Олма отдим тегдими
Отам санга бердими
Бермасиди шу отам
Худой такдир қилдими.

Олмани оғинаман
Ман сани соғинаман
Борай десам етолмай
Поезді ғамидаман.

Қизил гулди тақмайлар
Түзіб кетади ерга
Қиз болани боқмайлар
Тегіб кетади эрга.

Мекұнхона ҳамполик
Чироклари лампалик
Вақтингизни хуш қилинг
Сира топманг хафалик.

Мекұнхона ўчоги
Зарча қовун пүчоғи
Яхши товоққа ош ейди
Болаларди ўртоғи.

Қизил гул ғұнчасиман
Онамди кенжасиман
Ёшлигимда текканман
Ёримди жүрасиман.

Эшик олди шўралар
Оёғимга ўралар
Бизлар қўшиқ айтганда
Яхши ўтириңг жўралар.

Қизил гулинг ҳовлингда
Ман тақмадим даврингда
Ман тақмасам даврингда
Қолиб кетсин ҳовлингда.

Бизнинг ҳовли йўлингиз
Чий баҳмалдир тўнингиз
Бориши келиш қилмайсиз
Кимдан қолди кўнглингиз

Осмонда юлдузгина
Санасам ўттизгина
Ўзингга ўзинг қилдинг
Ётасан ёлғизгина.

Ёрим кўчадан ўтманг энди
Бизди ҳовлида йўл бор
Чаккангизга тақайккан
Очилиган тоза гул бор.

Боғма-боғингдан сани
Бодом қовоғингдан сани
Марвариддан мунчоғинг
Оппоқ томоғингдан сани

Сув келар шилдир-шилдир
Севганим қизил гулдир.
Севганимга бермаса
Ўлганим ўша кундир.

Сув келар ахта-ахта
Сандиғинг темир тахта
Севганимга бермаса
Қон ютай лахта-лахта.

Қизил гулсан баргинг йўқ
Хўб жувонсан ёринг йўқ
Умринг ўтиб боради
Лодонсан хабаринг йўқ.

Үра-тепа ўзимдики
Яхши рўмол қизимдики
Бораверинг сингилжон
Бойвачча ёр сиздики.

Ёrim сиз-о ёrimсиз
Ёrim қаққа борасиз
Чуст дўппини дол қўйиб
Кимди ёри бўласиз.

Ёrim тўни бекасам
Ёкасига гул солсам
Айтганимди оберса
Тиззасида ўйнасан.

Мани ёrim аравакаш
Об келади жуна, лас
Обкемаса жун лас
Яна битта аравакаш.

Атлас кўйлак ҳилпиллайди кийганда
Юрак бағрим ўт олади кўрганда
Олиб берган патинкангиз кўк экан
Бўйгинамга муносиб ёр йўқ экан.

Қизил қиёф ичида
Қийилдим сенга
Қизил гулди новдасидай
Эгилдим сенга

Хо бил хо билма
Хушторман сенга
Хушторликдан ўлиб кетсам
Уволим сенга.

Аравага ортганингиз
Бир тур шувоқ
Берганингиз бита эчки
Мунча думоқ

Калласини обориб
Норин қилинг
Учагини обориб
Салла қилинг.

Почасини обориб
Устун қилинг
Терисини обориб
Пўстин қилинг

Мисқол она Абдуносирова қўшиқлари

Рўмолим толим-толим
Тол бўйли менинг ёrim
Тол бўйликка етолмай
Ўлмаган мани жоним.

Қизил гулсан баргинг йўқ
Хўб йигитсан ёринг йўқ
Умринг ўтиб боради
Дунёдан хабаринг йўқ.

Ёrim кетди Риштонга
Менга атлас, рўмолга
Атлас десам лас экан
Хорманг десам мас экан.

Бизди ёрлар анови
Кийган түни ғарови
Чой сузишди билмайды
Қанақанги барови.

Чимилдинг чип-чинор
Тақайин тумор унга
Бўйингга кўз тегмасин
Кўзллари хумор-хумор

Чимилдинг қошидан
Сичқон ўтди
Майиз етмай тополмай
Куёв кетти.

Ҳавода парча булут
Ёмғир ёғиб ўтарми
Ёрим номард бўлмаса
Мени ташлаб кетарми

Болта урманг арчача
Кўнгил қўйманг баччага
Кўнгил қўйсанг барчага
Ташлаб кетар кўчага.

18 яшар келинчакни ғазали.

Биримда кўрдим бир pari
Кокиллари дур ҳайдари
Ўзинг баччани саргари
Ёр мунча зор этдинг мани
Кимларга хор этдинг мани

Иккида кўрдим иккини
Қизлар ўйнайди тўппини
Мачитда кўрдим сўпини
Ёр мунча зор этдинг мани
Кимларга хор этдинг мани.

Учимда кўрдим қайчини
Бураб ўринглар сочини
Ўзим қизларди лочини
Ёр мунча зор этдинг мани
Кимларга хор этдинг мани.

Тўртимда кўрдим туртта гул
Қафасда сайрайди булбул
Мен очилмаган тоза гул.
Ёр мунча зор этдинг мани
Кимларга хор этдинг мани.

Вешимда кўрдим беш пари
Кокиллари дулоҳайдари
Ўзинг баччани сарвари
Ёр мунча зор этдинг мани
Кимларга хор этдинг мани.

Олтимда кўрдим оҳ уриб
Оtingиз Ҳазрати Ёқуб
Оting атаб хатга солиб
Ёр мунча зор этдинг мани
Кимларга хор этдинг мани.

Еттимда кўрдим етказиб
Ғариф оғангни ўтказиб

Бир пиёла чой берайин
Күлгинасига тутқазиб.
Ёр мунча зор этдинг мани
Кимларга хор этдинг мани.

Саккизда кўрдим сахарда
Гуллар очилган баҳорда
Бир муччи берсанг наҳорда
Ёр мунча зор этдинг мани
Кимларга хор этдинг мани.

Тўққизда кўрдим тўлғониб
Сочим белимга чўлғониб
Ёrim келарсан уйғониб
Ёр мунча зор этдинг мани
Кимларга хор этдинг мани.

Ўнимда кўрдим арчани
Очиб кўйинглар дарчани
Ман ҳам кўрай шу баччани
Ёр мунча зор этдинг мани
Кимларга хор этдинг мани.

Ёр-ёр

Бекасам тўн энгингда
Живирлайди ёр-ёр
Ҳар кўргандада юрагим
Живирлайди ёр-ёр.

Кўлингдаги дуторнинг
Тори бўлай ёр-ёр
Донгдор сувчи йигитни
Ёр бўлай ёр-ёр

Донгдор сувчи йигитни
Ёри бошқа ёр-ёр
Қўлингдаги дуторни
Тори бошқа ёр-ёр

Ёр-ёр айтсанг бунда кел
Айтишайлик ёр-ёр
Оқ милтиқ қора милтиқ
Отишайлик ёр-ёр

Оқ милтиқ қора милтиқ
Отган отам ёр-ёр
Ўз қизини ёт қилиб
Сотган отам ёр-ёр

Ўз қизини йўлига
Бодом эксин ёр
Бодом шохи қайрилганда
Болам десин ёр-ёр

Кўйсин она Очилова қўшиқлари



Кошингни қаросига
Хол бўлай орасига
Ёrim раҳминг келмайди
Мусурмон боласига.

Дўппи тикдим таг дўзи
Киймайди ёrim ўзи
Киймасалар киймасин
Куйдирап қош-у, кўзи

Осмондаги ой бўлиб
Дўстларимни бир кўрсам
Узок сафарда юрган
Ошиқ ёрни бир кўрсам.

Хатлар ёздим ўтириб
Оқ қоғозди тўлдириб
Хатим кетди кўргали
Ўзим қолдим соғиниб

Қизил гулди уздилар
Тоғорага суздилар
Қовулгина бошимни
Но қовулга буздилар.

Уй орқаси йўнғучка
Ака белим ингичка
Ингичка деб ғам еманг
Энди кирдим ўн учга.

Бизнинг кўча тор кўча
Кетганича олича
Оличани тагига
От бойлайди бойвучча.

Том бошида беда бор
Майдасини элаб ол
Яхши яхши қизлар бор
Яххисини сайлаб ол.

Оқ юзингдан ўргилай
Тилло тишиңгдан ўргилай
Сарви қадам ғужум таман
Кулишларингдан ўргилай.

Атлас кўйлагим дорда
Ёр чақиради боғда
Ёр чақирсалар боғда
Ман ўзим нима ғамда

Бахри она Эрназарова қўшиқлари

Эшикдан кириб келсам
Турган экан паранжи
Олиб бошимга солсам
Зилдон экан паранжи.

Паранжи узун экан
Жияги қизил экан
Паранжини ташлаган
Озодлик қизи экан

Паранжини ташладим
Ташлаганим-ташлаган
Бу озодлик даврида
Яшнаганим яшнаган.

Думалаб тушдим (тоғингиздан)

Тоғингиздан
Бир гул уздим
Боғингиздан
Бир пиёла чой
Сўрадим
Оппоққина қўлингиздан.

Мисқол она Маматқурова қўшиқлари



Томга чиқдим тепиниб
Ғужум рўмол ёпиниб
Ғужум рўмол суюнчи
Абдулла болам ўйинчи.

Атлас кўйлак киймайман
Этаги лой бўлади
Ароқхўрга тегмайман
Юрагим қон бўлади.

Ўсма қўйган қошингга
Сурма қўймасанг нима
Ташлаб кетган ёрингга
Бино қўймасанг нима.

Шойи кўйлак кийибсиз
Попопини ким урди
Ўнг бетингиз ҳўл бўбди
Бир сўм бериб ким ўпди.

Рўмолимни учини
Тугмачанга тугдирдим
Қошимга ўсма қўйиб
Куймаганни куйдирдим.

Эшигингдан ўтаман
Ҳам йўталиб, гул кўтариб
Сан агар ошиқ бўлсанг
Чиккин укангди кўтариб.

Ўнг қўлимди узуги
Чап қўлимга сифмайди
Ёнимда ётган ёрга
Сира кўнглим тўлмайди.

Том устига том солдим
Олдида болахона
Ёр келсин деб жой солдим
Ётиши меҳмонхона.

Ўтга қумғон қўйдилар
Қайнамасин дедилар
Мани чолга сотдилар
Ўйнамасин дедилар.

Рўмолим бор ойгулли
Ўртаси чойдиш гулли
Ман ёrimди сўрасам
Мехмонхонанинг гули.

Шарофат она Соипова қўшиқлари

Атлас кўйлак енги тор
Енгига ўйнайди ёр
Ман ёримга интизор
Етказсин парвардигор.

Ўсма экдим ўт босди
Барги Кўқонни босди
Чиқмай кетсин гўр шойи
Ман шўрликни ғам босди.

Юқоридан кўринади
Ёрим ҳовлиси
Шамол билан келади
Райхонни иси

Оғангизни бир кеча
Мехмон айлайин
Садоғингиз бўлайин
Ёрим синглиси.

Қизил гулди нишони
Айтиворинг ўшани
Айтиворсам келмаса
Худой олсин ўшани

Қизил гул шона-шона
Дунёда ота-она
Ота-онанг қўймаса
Ўртоқларинг баҳона

Қизил гулди ўрдингми
Булбул қўнсин дедингми
Ман соғиндим билдингми
Уйғониб туш кўрдингми.

Қизил гул ўймоқ-ўймоқ
Ким экан ёрга тўймоқ
Қандай номартни иши
Қиз олиб жувон қўймоқ.

Боёвут йўлинг қурсин
Ичмайман сувинг қурсин
Соғинганда кўрмасам
Онажон шўрим қўрсин.

Олма гули оқ сариқ
Жийда гули сап-сариқ
Юрагимга ўт солган
Ўрта бўйли оқ, сариқ

Оқ уйингга кирмайман
Оқ сандиги бўлмаса
Ёр олдингга бормайман
Келинг “оийм” демаса.

Арава ерди ўймайди
Мечкай одам тўймайди
Кўчадаги Болтавой
Носвой тилаб қўймайди.

Ёр-ёр

Чимилдиқни боғини
Боғлайди қиз ёр-ёр
Онасини бағрини
Доғлайди қиз ёр-ёр.

Дока кўйлак енгини
Сўтдим она ёр-ёр
Оқ сутингга рози бўл
Кетдим она ёр-ёр.

Келинчакни сўрасанг
Ўзи ёшдир ёр-ёр
Ширин сўзли ўрта бўй
Қалам қошдир ёр-ёр

От келтиринг отлансин
Келин ахир ёр-ёр
Рухсат беринг қиз чиқсин
Бўлди пешин ёр-ёр.

Ҳай-ҳай ўлан жон ўлан
Тўй қайда бор ёр-ёр
Бир яхшига бир ёмон
Ҳай қайда бор ёр-ёр

Тўйхонанинг ўтини
Тарашадир ёр-ёр
Куёв боланинг кийгани
Ярашадир ёр-ёр.

Тўйхонанинг ўтини
Юлғун пири ёр-ёр
Қизимизнинг кийгани
Боғнинг гули ёр-ёр

Қатор-қатор тұялар
Юки сомон ёр-ёр
Биздан сизга қыз борар
Бўлсин омон ёр-ёр

Оқ ўтовлар қурилган
Айвонингга ёр-ёр
Ўғил қизинг ўйнасин
Тўрт ёнингда ёр-ёр.

Оппок-оппок арғамчи
Йўлда ётар ёр-ёр
Қизни куёв ўз юртига
Олиб кетар ёр-ёр.

Фотиҳа (омин) йиғма териб олинган.

Омин-омин ошига
Барака берсин бошига
Беданадай пилдираб
Хизр келсин қишига

Ўрдак билан ғоз бўлсин
Келин-куёв соз бўлсин
Кўрпача солсин тагига
Кириб юрсин гапига.

Күтәрайлик билакларни
Оллох берсин тилакларни
Түй-түйга улансин
Түй хазинага улансин

Ёшлар бахтли, давлатли бўлсин
Қўшгани билан қўша қарисин
Қудалар боришли-келишли бўлсин
Ипак арқон ўришли бўлсин

Келинимиз деразадан қарасин
Патир кулча дастурхонга ўрасин
Уйга борар бўлса эринмай
Доим қайнонасидан сўрасин.

Эшиги ойга боқсин
Қилмиши худога ёқсин
Тарвуздай таноб отсин
Қовундай туғиб ётсин

Давлатлари мўл бўлсин
Таққанлари гул бўлсин
Боққанлари қўй бўлсин
Еганлари мой бўлсин

Барчинойдай қизи бўлсин
Алпомишдай ўғли бўлсин
Бозорлари Зомин бўлсин
Болалари қобил бўлсин

Ичганлари қатиқ бўлсин
Мартабаси ортиқ бўлсин
Қизил рўмол ўрасин
Қайрилиб ҳолин сўрасин

Сарик рўмол ўрасин
Соғиндим онажонимни
Деб сўрасин бир бориб келай.

Элакка бориб эринмасин
Келига бориб керилмасин
Оғзи бурни бурилмасин
Қайнона келин урушмасин.

Кўргани ўғил бўлсин
Мунчоқли қизи бўлсин
Қалампир мунчоқ таққан бўлсин
Қайнин бўйиларга ёққан бўлсин

Томди айланиб ўтсин
Тандирга нонлар ёпсин
Ўнг қўли мойда бўлсин
Чап қўли унда бўлсин

Тоғларди қори эрисин
Икки ёш қўша қарисин.
Корсонда қуйруқ ошасин
Ёшлар баҳтли яшасин.

Бахмал она Отакурова қүшиқлари

Чилдирма чололмайман
Үнг қўлим ололмайман
Чилдирмани дастидан
Мажлисга боролмайман

Чилдирма чолган ўзим
Шилдироғида кўзим
Ўйинчини ўйнатиб
Қош-у кўзида кўзим.

Ўйинга тушган укамди
Тугмаси қатор-қатор
У тугмани ечгунча
Узоқ кунлар тонг отар.

Магазинда вазилин
Эригани эриган
Раис бувам хотинлари
Керилгани керилган.

Шарофат она Ғаниева қўшиқлари (Алимқул бободан эшитганларим)

Ман бургамди йўқотдим
Бориб чопондан топдим
Чопонни сувса солсам
Кўзи мўлтиллаб ётур

Ман бургамди ушладим
Қассобларга топширдим
80 ботмон гўш қилди
70 ботмон мой қилди.

Калласи эшонларга
Үпкаси айамларга
Ман қолдим деб ғам ема
Ичак-чавоғи бор санга.

Қайнона келин орасидаги ҳангома. Қайнона келинига

Хамма нарсани ўлчаб берар экан. Келин ҳам анойи эмас экан қайси йўл билан бўлса ҳам онасиникига нарса орттириб йўқлаб турар экан. Кунлардан бир куни қайнона 16 та нонни ясад берибди ва: “Мана келин нонни ёпинг, мен бир жойга бориб келаман”, -дебди. Келин қайнона кетган заҳоти 16 та нон хамиридан оз-оз олиб 18 та қилиб ёпибди ва нонни пишгандан кетин 2 тасини олиб қўлтиғига қисиб ип ўтказиб осиб олибди. Энди эшикдан чиқиб кетаётганда қайнона келиб қолибди. Келини онасиникига бормоқчи эканлигини айтибди.

Шунда қайнона келинига “Келин келинг бир ўйнаб кетинг”, - дебди ва қўшиқ айтибди: Нонни ушлаб:

Сони бор салмоғи йўқ яллола
Боғи бор балдоғи йўқ яллола
Келиним писиб ўйнайди яллола
Қўлтиғини қисиб ўйнайди яллола

Келини қўлтиғини очиб қўлинини кўтариб ўйнаб
Шундай дебди:

Ипи бор узулмайди тахти ҳам бузилмайди
Ипи бор узулмайди тахти ҳам бузилмайди
Кайнона келинга тан берибди.

Сув келади дода тош устида
Гажакларим дода қош устига
Ман акамни соғинсам дода
Ман йиғлайман дода ош устида

Олмани узиб дода хумга солдила
Лой эканин дода билолмадима
Бошларида дода шойи қийифи
Ёр экани эканим дода билолмадима

Ялло-ялло-ялло ёри чиройлик
Оқ юзига ярашган хол чиройлик
Хо-хо акам бўлинг
Хо-хо ёrim бўлинг

Қоши қаро пайваста ёrim
Кўрмай десам кўргим келур
Кунда бир кўрмасам
Ўзимди ўлдургим келур.

Ман сани ёrim десам
Орқангда ёринг бор экан
Икки бети қип-қизил
Лабида холи бор экан.

Ёр-а дедим ўйладим
Дарвозалардан бўйладим
Ёрга ўрганган бошим
Ёлғиз ётолмай йиғладим.

Ман сани хўб биламан
Кўнглинг менга моил эмас
Ўтириб қон йиғладим
Сандан мурод хосил эмас.

Чиқдим тўшакка ётмоққа
Шакар лабингни сўрмоққа
Кўзим қиймас уйғотмоққа
Уйғон энди қиз мулойим

Тахта ботиқ уйқу қаттиқ
Ёнбошингга ботди ботиқ
Келар ёринг совуқ қотиб
Уйғон энди қиз мулойим

Олма отдим ҳаволатиб
Думалаб келди ўзимга қайтиб
Ҳаммани ёри уйғонди
Уйғон энди қиз мулойим.

Айланайин айноқчам
Қозондаги қаймоқчам
Новвойда нон кулчачам
Кулилдаги кувачам
Ёз бўлганда яйловим
Қиши бўлганда қишлошим.

Сайлбону онанинг Алласи

Айланайин оқчадан
Лаблари қаймоқчадан
Оч қолса патирчадан
Сувсаса тарвузчадан

Айланиб юрсам оза
Үргилиб кетсам ёз-а
Шу болани үйнагани
Үрдак билан ғоз-а

Айланганда оз бўлсин
Үргилганда ғоз бўлсин
Бир айланиб келганда
Баҳор билан ёз бўлсин.

Тўйиб-тўйиб ўпай сани
Ширин дўмбоғим
Гул боғимда ёниб турган
Машъал чироғим.

Ойниса хола Ҳусанбоева қўшиқлари



Ёргинам лодонгинам
Бу ёққа буяйин сани
Ҳар томонга йўл солиб
Кўзингни ўяйин сани.

Мани отам отдилар
Қари чолга сотдилар
Қари чоли қурисин
Рангим сариқ этдилар

Боғ ичида бодом бор
Аста киринг одам бор
Одам бўлса майлига
Пахмоқ соқол чолим бор.

-Бир туш кўрдим не ажаб
Кўлимда қуш бошимда қубба
-Кўлингиздаги қуш фарзандингиз
Бошингиздаги қубба давлатингиз

Йигит бўлиб давру даврон сурмадим
Ота-онам ҳовлисида юрмадим
Боғбон бўлиб боғингдан гул узмадим
Мен кетаман қизил вагон ичида

Худойқул Холиқов қүшиқлари



Үйнавалай сен билан воҳай бола
Сан юрасан ким билан жон бола
Мани кўнглим сан билан воҳай бола
Сан кетасан ким билан жон бола.

Имлаволдим им билан воҳай бола
Үйнаволдим сен билан жон бола
Сан юрасан ким билан воҳай бола
Мани кўнглим сан билан жон бола.

Эрга тегсанг манга тег воҳай бола
Атлас кўйлак киясан жон бола
Кундошинг кўриб қолса воҳай бола
Калтакларга ўласан жон бола.

Самоварни ўтга қўй воҳай бола
Дами билан қайнасин жон бола
Ёш хотинни шунга бер воҳай бола
Кувалашиб ўйнасин жон бола.

Турсунқулов Маматқул қўшиқлари



Дадам тўйларда, ўртадаги гулхан атрофида доира чалиб, ашула айтиб юрганлар. Доирани шундай кучли зарб билан ураганки, ҳатто доира ҳам ёрилиб кетаркан.

Сой бўйида саксон тош воҳай бола
Сойдан ўтолмай қолдим жон бола
Ўйинчига ишониб воҳай бола
Уйга кетолмай қолдим жон бола.

Бостирма-ё бостирма воҳай бола
Бостирмага осилма жон бола
Отам санга бермайди воҳай бола
Оламан деб осилма жон бола.

Томга чиқиб тош отдим воҳай бола
Ғужум рўмол йўқотдим жон бола
Ғужум рўмол суюнчи воҳай бола
Тожи холамўйинчи жон бола.

Чилдирмани қосқони воҳай бола
Ипи борми осгани жон бола
Ёшлигингда ўйнаб қол воҳай бола
Ёринг борми тўсгани жон бола.

Тожинса она Тўрақулова қўшиғи

Давраларда чанғовуз
чалган Онам чанғовуз
чалганда гумбурлатиб,
жаранглатиб чалган.



Бахринсо Эгамбердиева қўшиқлари



Бахринисо она ўсма қўйишни, райҳон тақиши яхши кўрган. Тўйларда лапар айтиш билан бирга, азали жойда марсия хам айтган.

Олмадан отлар қилай
Тол баргидан хатлар қилай
Дунёдан ўтган онамни
Икки оғиз ётлар қилай

Ёд қилайин ёд бўлинг
Болаларингиз битган хат бўлинг
Муғлиғларим айтди деб
Арвоҳлар бўлиб шод бўлинг.

Осмонда ойлар бормиди
Йўлларда хирмон бормиди
Болагинам юрганда
Манда ҳам армон бормиди.

Узун-узун сойларда
Арғумоқ тураг чилгилик
Бошимизга кунлар тушса
Ўрнингиз тураг белгилик.

Остонангиздаги бўйрани
Қоқишига келдим ман
Бошингизга тушган ғамни
Бўлишгани келдим ман.

Үтди даврон, кетди даврон
Энди даврон қайдадур
Күзлардан оқди-ку ёшлар
Энди гавҳар қайдадур.

Байтлар

Осмондаги юлдузлар
Ой бўламан дейди
Бу замонни кампирлари
Қиз бўламан дейди.

Оличани гуллатган
Баҳорингдан айланай
Кампир-қизни яшнатган
Хукуматдан ургилай.

Гулсара Алимқулова қўшиқлари

Оқ шойидан кўйлагим
Доғ тегмасин илойим
Ҳарбий кетган ёримга
Кўз тегмасин илойим.

Билагимда тўғиз кўз
Душман қиласи гап-у сўз
Душманни гапи билан
Айрилмаймиз қора кўз.

Кичкина чорбоғ ичида
Айланади шапалак кўршапалак
Ўнг қўлимга ярашади
Ёр оберган шохонак (узук)

Шоханакни балдоғи
Тилло эмиш
Кеча юрган дадаси
Мулла эмиш.

Патинкангни киявар
Пошнасини үйдириб
Севганингга тегавер
Хотинини куйдириб.

Тушунарсиз сўзлар мақсади:

Ларzon-қарсак
Оғинаман-оламан
Ғарови-қовулган жойидан ертилган тўн
Борови-бўш-баёв
Ғужул талан-ғужумга ўхшаган, ғўдайган
Узли- баракали

Ём қишлоғи “Истиқлол ғунчалари болалар” фальклор жамоасининг қўшиқлари

Дўмбира чалиб чиқинглар
Чанқовуз чалиб чиқинглар
Зоминимиз мадҳини
Куйга солиб чиқинглар

- 1 бола: Ассалом алайкум янга
- 2 қиз бола: Ассалом алайкум янга
- 3 бола: Ассалом алайкум янга
- 3 бола Ўчоқ бошида танга

Танга юмалаб кетди
Ҳакка қувлаб кетди
Ҳаккани қувлай-қувлай
Хон манга балиқ тутди
Балиқни ютдим қочдим
Турли тепадан ошдим
Турли тепа тул бўлсин
Ўзбекистон бой бўсин
Соғлом бола йилида
Авлодлар омон бўлсин.

Жаҳида қўшиғи

Жаҳида қўшиқ чиқибди
Келинг дўстлар айтайлик
Даврани кенгроқ олиб
Жаҳидага ўйнайлик.

Жаҳида-жаҳида
Жаҳида-жаҳида -жаҳида
Жаҳида-жаҳида
Жаҳида –жаҳида-жаҳида

Бизнинг ҳовли кенг ҳовли
Кизлар тўқийди чавли
Ўйнаганинг кулганинг
Мустақиллигнинг даври.

Жаҳида-жаҳида
Жаҳида-жаҳида-жаҳида
Жаҳида-жаҳида
Жаҳида-жаҳида-жаҳида.

Чўпон-чўпон қўшиғи.

Чўпон-чўпон ўйнаймиз
Чўпон бўлиб куйлаймиз
Қўйни қўйиб яйловга
Қувалашиб ўйнаймиз.

Қаранг бир қўй турибди
Ўтламасдан юрибди
Суюнчини беровринг
Зўр қўзичоқ туғибди.

Ўйинимиз кўп жуда
Гоҳо “Ланка” авжида
“Ўрта”, “Эшак минди-ю”
“Қулоқ чўзма” авжида.

Ланка тепилади.

-1 пар, 2 пар 3пар 4 пар 5 пар 6 пар 7 пар 8 пар 9 пар 10 пар Эй....10 балл.

Ём атрофи буғдойзор.
Ём атрофи буғдойзор
Буғдойзорда лола бор
Баҳор пайтида келинг
Буғдойда кўп хислат бор.

Ём қовунин емабсиз
Дунёга сиз келмабсиз
Чайла қуриб ўтирган
Даласида бўлмабсиз.

Ушбу гўзал қишлоқнинг
Одамлари ажойиб
Кўриб ҳайрон қоласиз
Одатлари ажойиб.

Бобида гижданг

Осмондаги юлдузга
Жононлар қарашади
Юртнинг жамолига
Байрамлар ярашади.

Бобида гижданг бобида
Гиждала, гижданг бобида.

Бизнинг кўча тор кўча
Кетганича олича
Мустақиллик кунида
Ўйнаб келади барча

Бобида гижданг бобида
Гиждала, гижданг бобида.

Шиқилдама шиқ.

Шиқилдама, шиқилдама- шиқ-ҳей
Шиқилдама, шиқилдама-шиқ-ҳей
Шиқилдама, шиқилдама- шиқ-ҳей
Шиқилдама, шиқилдама-шиқ-ҳей

Қишлоқ ёни соғоноқ
Соғонокда тош қайроқ
Аливойни чүчитманг
Хаёлида ўйинчоқ.

Нақорат

Анов турган оқ терак
Манов турган күк терак
Үпкаламанг Солидан
Озроқ ухлаши керак.

Нақорат

Боғда булбул сайрайди
Тинглаб кўнглим яйрайди
Санъат йўлин танлаган
Бир умрга яйрайди.

Айтишув.

- Қизлар

Соғонокнинг суви бор, эҳ боллар
Яқин борманг деви бор эҳ боллар
Ҳамдам бўлиб киришсак эҳ боллар
Ҳар бир ишнинг эви бор эҳ боллар

- Болалар

Ариқ лабида жийда жон қизлар
Жийданинг гули майдада жон қизлар
Бирга ҳамдам бўлмасак жон қизлар
Ишларда ютуқ қайдада жон қизлар

- Қизлар

Тоғда бодом гуллайди әх боллар
Яқинига имлайди әх боллар
Биргаллика не етсин әх боллар
Күрган күнгил яйрайди әх боллар

- Болалар

Сув тагида силлик тош жон қизлар
Териб олинг ҳаппак тош жон қизлар
Түқ қиловринг күнглингиз жон қизлар
Хар бир ишда биз ёнбош жон қизлар

Қизлар ва болалар

Юмшоқ әкан күнглингиз әх боллар
Шириң әкан сўзингиз жон қизлар

Ҳамма: Кўлни қўлга берайлик бўб дўстлар-о
Ҳамма: Кўшиқ куйлаб ўзимиз әх дўстлар.

Оқ теракми, Кўк терак.

1-томон

- Оқ теракми, кўк терак,
- Биздан сизга ким керак?

2-томон

- Постида доим сергак
- Бахтиёр бизга керак!

2-томон

- Оқ теракми, кўк терак,
- Биздан сизга ким керак?

1-томон

- Билгани кўплаб эртак,
- Аълочи Барно керак!

1-томон

- Оқ теракми, кўк терак,
- Биздан сизга ким керак?

2-томон

- Ҳар ишдан берган дерак,
- Хайрулло бизга керак!

2-томон

- Оқ теракми, кўк терак,
- Биздан сизга ким керак?

1-томон

- Китоб ўқиган лак-лак,
- Ойбеквой бизга керак!

ДАВРАМИЗГА КЕЛ

(Болалар даврага кириб, қўлни қўлга бериб, айлана бўлиб айтиб ўйнашади).

Берамиз дўстлар
Қўлимизга қўл,
Бағрига чорлар
Бизни ўнгу сўл.

Нақорат:

Ўйнаймиз сакраб,
Куламиз сакраб.
Айлана бўлиб
Яйраймиз сакраб.

Табиат сехри
Ақлимиз олар.
Авлон ранг гуллар
Хайратга солар.

Нақорат:
Үйнаймиз сакраб,
Куламиз сакраб.
Айлана бўлиб
Яйраймиз сакраб.

Кел-ҳа, кел-ҳа, кел,
Даврамизга кел.
Ўйин қиласиз
Ёғса ҳамки сел.

Нақорат:
Ўйнаймиз сакраб,
Куламиз сакраб.
Айлана бўлиб
Яйраймиз сакраб.

ЖАЛА

Ўйнар жойимиз дала,
Қўйиб юборди жала.
Қўйиб юборса жала
Тўлдир косангни лола.

Нақорат:
Ҳа, жала, жала, жала,
Сендан миннатдор дала.
Дала кўркин оширган
Чучмомаю, гуллола.

Қизлар бўйнида мунчоқ,
Қулоқларида балдоқ.
Жала сувига қонгач,
Сепин ёяр қизғалдоқ.

Нақорат:

Ҳа, жала, жала, жала,
Сендан миннатдор дала.
Дала кўркин оширган
Чучмомаю, гуллола.

КАМАЛАК

Оҳ-оҳ камалак.
Жоним камалак,
Бердинг сен бизга
Кувончдан дарак.

Қўю қўзилар
Ўтлоқда яйрар,
Ҳар бир кунимиз
Шодликда ўтар.

Кўкда ўрдак, ғоз
Баҳор дейди соз,
Баҳор келса соз
Тўкин бўлар ёз.

Оҳ-оҳ камалак,
Жоним камалак,
Бердинг сен бизга
Кувончдан дарак.

СЕТОРЧА (лапар)

Йўл бошида болалар
Қўлларида дутори
Ўйин-кулгу қилишар
Учиришиб сетори.

Нақорат:

Ўзим қилган сеторча
Булутга торт булутга.

Сеторчамиз учади
Осмонларда чайқалиб
Кимки бўлса дангаса
Ўқий олмас қийналиб.

Нақорат:

Ўзим қилган сеторча
Булутга торт булутга.

Сетор, варрак учирив
Кенг фазога қараймиз.
Гагариндек бўлсак деб
Кувонишиб яйраймиз.

Нақорат:

Ўзим қилган сеторча
Булутга торт булутга.

КИЧКИНА БҮЛИНГ (лапар)

Қарсак чалиб болалар
Давра қуриб яйрайди
“Кичкина бүлинг” рақсига
Хамма бир-бир ўйнайди.

Нақорат:

Кичкина бүлинг, кичкина,
Нўхотдан ҳам кичкина.
Кичкина бүлинг, кичкина
Зифирдан ҳам кичкина.
Кичкина бүлинг, кичкина,
Тариқдан ҳам кичкина.

Мақтанчоқлар кўп ёмон
Камтарлар бўлсин омон
Ўзин кичик олганга
Ёрлақайди бўл замон.

Нақорат:

Кичкина бүлинг, кичкина,
Нўхотдан ҳам кичкина.
Кичкина бүлинг, кичкина
Зифирдан ҳам кичкина.
Кичкина бүлинг, кичкина,
Тариқдан ҳам кичкина.

ГУЛЛОЛА

Турфа рангли гуллола, гуллола,
Табиатдан ҳавола, ҳавола.

Гуллолалар тераман, тераман.
Дўстларимга бераман, бераман.

Нақорат:

Оҳ гуллола, гуллола, гуллола,
Сенга меҳрим ҳавола ҳавола.

Гўё кўкда ҳилола, хилола
Боққанидек қиёлаб, қиёлаб.
Гуллар бизни сеҳрлар, сеҳрлар
Ортар унга меҳрлар, меҳрлар.

Нақорат:

Оҳ гуллола, гуллола, гуллола,
Сенга меҳрим ҳавола ҳавола.

Гулда олам севгиси, севгиси
Унда дўстлик белгиси, белгиси.
Қўлни қўлга берайлик, берайлик
Гулзор бунёд этайлик, этайлик.

Нақорат:

Оҳ гуллола, гуллола, гуллола,
Сенга меҳрим ҳавола ҳавола.

Замон ҳуррам замондир, замондир
Мадҳинг куйлар Баҳодир, Баҳодир
Кезар қувноқ тарона, тарона
Гулшанаро ҳар ёна, ҳар ёна.

Оҳ гуллола, гуллола, гуллола,
Сенга меҳрим ҳавола ҳавола.

ШАМОЛ, ЭСАҚОЛСАНГЧИ (ёлбориши, ғамгин ҳолатда)

Хамма:

Шамол, шамол,
Бағри камол,
Эсақолсангчи.

Бир бола:

Онангни сув оли кетди,
Отангни сув оли кетди.

Хамма:

Шамол, шамол,
Бағри камол,
Эсақолсангчи.

Бир бола:

Донимизни шопирамиз
Хас-қипиғин қочирамиз.

Хамма:

Шамол, шамол,
Бағри камол,
Эсақолсангчи.

Бир бола:

Жуда исиб кетди офтоб,
Унга беролмаймиз биз тоб.

Хамма:

Шамол, шамол,
Бағри камол,
Эсақолсангчи.

Бир бола:

Соялар ҳам димиб кетди
Нафасимиз қисиб кетди.

Хамма:

Шамол, шамол,
Бағри камол,
Эсақолсангчи.

Бир бола:

Моллар бўлди жуда беҳол
Экин-текин афтода ҳол.

Хамма:

Шамол, шамол,
Бағри камол,
Эсақолсангчи.

- Бир бола: Ўжар бўлмай, қулоғинг сол,
 Нозлар қилмай, тез эса қол.
- Ҳамма: Шамол, шамол,
 Бағри камол,
 Эсақолсангчи.
- Бир бола: Онангни сув олиб кетди,
 Отангни сув олиб кетди.
- Ҳамма: Эсақолсангчи!!!

ШАМОЛ КЕЛДИ (хушхабар, ҳамма хурсанд шод).

Кувнанг қадрдон жўралар,
 Шамол келди, шамол келди.
 Яйранг жонажон жўралар,
 Шамол келди, шамол келди.

Шамолда бор кўплаб хислат
 Касал-пасал бўлади даф.
 Ушалади орзу-ният.
 Шамол келди, шамол келди.

Донимизни шопирайлик
 Хас-хашакни ҳочирайлик.
 Кулча-нонлар ёптирайлик
 Шамол келди, шамол келди.

Яйраб ўйнайди болалар
 Жонга оромку соялар
 Хузур берар шаббодалар
 Шамол келди, шамол келди.

Энди экин сарғаймайды
Үт-үланлар қуврамайды
Қўю моллар қийналмайды
Шамол келди, шамол келди.

Қувнанг қадрдон жўралар
Шамол келди, шамол келди.
Яйранг жонажон жўралар
Шамол келди, шамол келди.

УЗУМ ПИШДИ ЁКИ ГАЛА-ГАЛА ҲОЙ! **(узум қўриқлаш қўшиғи)**

Узум пишди, узум пишди
Узумларга ишқим тушди
Узумзорда чуғурчукқа
Кўзим тушди, кўзим тушди.

Нақорат:
Гала-гала ҳой, гала-гала
Гала-гала ҳой, гала-гала.

Чуғурчуклар ўта айёр,
Айёр эмас, бўлар беор.
Узумларга маза кириб
Пишган жойда доим тайёр.

Нақорат:
Гала-гала ҳой, гала-гала
Гала-гала ҳой, гала-гала.

Пишган-пишган узумларни
Новвот сифат тизимларни
Чуқурчуклар танлаб ейди
Қолдириш доғга бизни.

Нақорат:
Гала-гала ҳой, гала-гала
Гала-гала ҳой, гала-гала.

Чуғурчуқлар гала-гала
Узум ейди сара-сара
Узумлардан ҳайдаймиз биз
Күнғироклар чала-чала.

Нақорат:
Гала-гала ҳой, гала-гала
Гала-гала ҳой, гала-гала.

ШИҚИЛДАМА ШИҚ **(Болалар ҳазил қўшиғи)**

Қишлоқ ёни соғоноқ
Соғоноқда тош қайроқ
Аливойни чўчитманг
Хаёлида ўйинчоқ.

Нақорат:
Шиқилдама, шиқилдама, шиқилдама, шик.

Анов турган оқ терак
Манов турган кўк терак
Ўпкаламанг Солидан
Озроқ ухлаши керак.

Нақорат:
Шиқилдама, шиқилдама, шиқилдама, шик.

Терак бошида чумчук
Момом йигирипар урчук
Майдон чорласа қўзгар
Хошим полвонда санчиқ.

Нақорат:

Шиқилдама, шиқилдама, шиқилдама, шик.
Чўпон ярашар тоққа,
Ўйнаганимиз соққа
Синфда сумка қолдириб
Олим кетади боққа.

Нақорат:

Шиқилдама, шиқилдама, шиқилдама, шик.
Кўча боши кенг ариқ,
Ариқда кўпdir балиқ
Ишга деса ҳеч ким йўқ
Ош бўлсачи лиқа-лиқ.

Нақорат:

Шиқилдама, шиқилдама, шиқилдама, шик.
Боғда булбул сайрайди,
Тинглаб кўнгил яйрайди.
Санъат йўлин танлаган
Бир умрга яйрайди.

Нақорат:

Шиқилдама, шиқилдама, шиқилдама, шик.

ҲАЙЛАЁ ҲАЙЛА (Буғдойзорни чумчуклардан қўриқлашда айтиладиган кўшик)

Қара, у ёққа қара
Чумчук келар бир гала.
Мунча бизга келасан
Бошқа полларни тала.

Нақорат:

Ҳайла ҳайла-о! Ҳайлаё ҳайла!
Бошқа полларни талаё тала!

Үйинг қурғур чумчуқлар
Буғдойимни едінг-ку
Текин томоқ бўлмай қол
Донларимга тўйдинг-ку.

Нақорат:

Ҳайла ҳайла-о! Ҳайлаё ҳайла!
Бошқа полларни талаё тала!

Уят билмас чумчуқлар
Бунча сүқлик қилмасанг.
Кўзинг тўймай бунча ҳам
Нафси бузук бўлмасанг.

Нақорат:

Ҳайла ҳайла-о! Ҳайлаё ҳайла!
Бошқа полларни талаё тала!

Гала-гала чумчуқлар
Эртан келаман деб кетди
Уяти йўқ чумчуқлар
Ҳаммани вайрон қип кетди.

Нақорат:

Ҳайла ҳайла-о! Ҳайлаё ҳайла!
Бошқа полларни талаё тала!

ЖАМАЛАК

Майдада ўрим сочимга
Жамалаклар ярашган
Бунга бу қиз гўзал деб
Катта-қичик қарашган.

Нақорат:
Жамалак, жон жамалак,
Сен билан гүзәл малак.
Қиз бола чиройини
Оширгансан сен бешак.

Оппоқ момик жамалак
Хавасимиз оширган.
Қалбларимиз мусаффо
Кувончимиз тоширган.

Нақорат:
Жамалак, жон жамалак,
Сен билан гүзәл малак.
Қиз бола чиройини
Оширгансан сен бешак.

Ох жамалак, жамалак,
Сенга ғуурлар лак-лак.
Аразлама қыздардан
Гүзәллик бўлар ҳалак.

Нақорат:
Жамалак, жон жамалак,
Сен билан гүзәл малак.
Қиз бола чиройини
Оширгансан сен бешак.

“ЎРДА” ЎЙИНИ ҚЎШИҒИ

Чиқинг дўстлар ўртага
Энди навбат “Ўрда”га
Ўйинимиз бошлаймиз
Етсангиз гар тўрттага.

Нақорат:
Кимлардадир бор ёнғоқ
Аллакимда қумалоқ
Үйинимиз соз үтсін
Даврамизга кел үртоқ,

Бир.. икки... бошладик
Үрдамизга ташладик (харакат билан)
Э-ха-а... тушмадику (сағасимада)
Қани... бошни қашладик. (үйланишади)

Нақорат:
Кимлардадир бор ёнғоқ
Аллакимда қумалоқ
Үйинимиз соз үтсін
Даврамизга кел үртоқ,

Үрда, үрда, үрдажон,
Туширишга бер имкон...
Ур-е-е! Тушди үрдага (ташлаш ҳаракати)
Қувончимиз бир жақон (хамма хурсанд)

Нақорат:
Кимлардадир бор ёнғоқ
Аллакимда қумалоқ
Үйинимиз соз үтсін
Даврамизга кел үртоқ,

ОЙДИН КЕЧА

Бу кечә ойдин кечә
Эшитгин ҳой болача
Эртак базми қиласыз
Қизиб кетсак тонгача

Нақорат:

Ойдин кеча, ой кеча
Үйинларга бой кеча
Чорла ойни бағрингга
Хаялламай, ҳой кеча

Тор күчада бир тол бор
Шу толда күп хислат бор
Ким эртакни билмаса
Үйнаб бериш шарти бор

Нақорат:

Ойдин кеча, ой кеча
Үйинларга бой кеча
Чорла ойни бағрингга
Хаялламай, ҳой кеча

Ойдин кече ой бўлсин
Хув нарида сой бўлсин
Биттагина тилак бор
Элда ҳамма бой бўлсин

Нақорат:

Ойдин кече, ой кече
Үйинларга бой кече
Чорла ойни бағрингга
Хаялламай, ҳой кече

Ҳаппак **(Қизлар ўйини қўшиғи)**

Ҳай-ҳай қизлар жон қизлар,
Келинг ҳаппак ўйнаймиз.
Шу давронда шод бўлиб
Қўшиқ айтиб яйраймиз.

Нақорат:

Хаппак ўйнайлик ҳаппак
Хаппаго-о-о ҳаппак.
Қарсак чалайлик қарсак
Қарсаго-о-о қарсак.

Силлиқ тошлар терилган
Қилган ҳаппак ҳумори
Кўлдан қўлга ўтган тош
Дўстлигимиз самари.

Нақорат:

Хаппак ўйнайлик ҳаппак
Хаппаго-о-о ҳаппак.
Қарсак чалайлик қарсак
Қарсаго-о-о қарсак.

Қалб торлари жаранглар
Бирга қанча ўйнасак
Олма бўлар мунаввар
Кўнгил очиб яйрасак.

Нақорат:

Хаппак ўйнайлик ҳаппак
Хаппаго-о-о ҳаппак.
Қарсак чалайлик қарсак
Қарсаго-о-о қарсак.

ҚАРС ЧИҚАДИ ИККИ ҚҮЛДАН НАҚОРАТ

Қарс, қарс, қарс (сүнг қүлда 3 марта чапак)

Қарс, қарс, қарс...

Қарс чиқади икки қүлдан
Чиқмас садо якка қүлдан
Етар доим муродига
Құлға, билинг, құлни берган.

Қарс, қарс, қарс (сүнг қүлда 3 марта)

Қарс, қарс, қарс...

Ёлғиз отнинг чанги чиқмас
Чиққанда ҳам донғи чиқмас.
Бирлашганга нима етсин,
Бирлашганлар доғда қолмас.

Қарс, қарс, қарс (сүнг қүлда 3 марта)

Қарс, қарс, қарс...

Ёлғизлик күп ёмон дейди,
Айрилганни бўри ейди.
Кўпчиликда кўп хислат бор,
Якка юрган дакки ейди.

Қарс, қарс, қарс (сүнг қүлда 3 марта)

Қарс, қарс, қарс...

Қарс чиқади икки қүлдан
Чиқмас садо якка қүлдан
Етар доим муродига
Құлға билинг, құлни берган

Қарс, қарс, қарс (сүнг қүлда 3 марта)

Қарс, қарс, қарс...

ЧИЛДИРМА

Нақорат

Чилдирма, жон чилдирма

Хаёлларга толдирма.

Даврамизга келақол

Ишқингда кўп куйдирма.

“Бак-бака-бунг” овозинг

Ўтда тобланар созинг

Ҳайратларга соласан.

Кенг даврага бир ўзинг.

Нақорат

Чилдирма, жон, чилдирма

Хаёлларга толдирма.

Даврамизга келақол

Ишқингда кўп куйдирма.

Жилоланган рангмиди,

Ё қосқонинг зангмиди.

Нағмаларинг эшитиб,

Ҳамма ҳангу мангмиди.

Нақорат

Чилдирма, жон, чилдирма

Хаёлларга толдирма

Даврамизга келақол

Ишқингда кўп куйдирма.

Бунча сеҳр сенга ёр?

Доим қиласан хумор

Ром қилгансан ўзингга

Овозингга қилма зор.

Нақорат

БЕШҚАРСАК

Нақорат

Зўр бўлади “Бешқарсак”
Яхши чалсак биз қарсак.
Ҳа! Ҳа! Ҳа-ҳа-ҳа!
Ҳа! Ҳа! Ҳа-ҳа-ҳа!

“Бешқарсак”да сехр бор
Ҳар кимни қиласар хумор.
Ўзинг четга олганни
Ёқтирумайди у зинхор.

Нақорат

Бир-бир тушинг даврага
Муқом қилиб ҳаммага
Ярашиғли бўйингиз
Дўстлар тўлган даврага.

Нақорат

“Бешқарсаг-о” “Бешқарсак”
Завққа тўлганлар лак-лак.
Муродига етади
Сенга чалганлар қарсак.

Нақорат

ЁҒУРЧОҚ

Нақорат

Ёғурчоғим ёғурчоқ
Сени кўрсам вақтим чоғ.
Шарофатинг кўп сенинг
Унутмайман ҳеч бир чоқ.

Ховли сахника ўчок,
Үтин ҳам бор бир қучок.
Таом яхши бўлсин деб
Ёрма қилар ёғурчок.

Нақорат

Унини сиз кўрмабсиз
Нонлар қилиб емабсиз.
Мазасини билмабсиз
Дунёга сиз келмабсиз.

Нақорат

Ёғурчоғим ёғурчок,
Сени кўрсам вақтим чоқ
Шарофатинг кўп сенинг
Унутмайман ҳеч бир чоқ.

ЭКИНЛАР МАДХИ

(Доиранинг “тум-така-тум”, “така-така-тум” тарзидаги жўрлигида ҳар байт 2 мартадан ўйини билан айтилади)

Кузда ғалла экилади
Ҳосиллар ҳам мўл бўлади.
Омборлар донга тўлиб
Орзу-армон ушалади.

Нақорат

Экин экинг трама
Элларимиз қурама
Шу давронда қўл бериб
Ўйнамасак бўлама.

Буғдойсара дон бўлмиш
Зуғур, кунжит ёғ бўлмиш
Обжувозу тегирмон
Яна ёрдамга келмиш.

Нақорат
Экин экинг трама
Элларимиз қурама
Шу давронда қўл бериб
Ўйнамасак бўлама.

Эқдик тариқ, седана
Хурсанд каклик, бедана
Макка, арпа мўл бўлса
Чорва-молга тантана.

Нақорат
Экин экинг трама
Элларимиз қурама
Шу давронда қўл бериб
Ўйнамасак бўлама.

ЁМ ҚИШЛОГИ ҲАҚИДА ҚЎШИҚ

(Ҳар бир сатрдан сўнг “Ҳайла, ҳайла, ҳайла” нақорати бир бандда болалар томонидан, иккинчисида қизлар томонидан айтиб турилади.

Қўшиқни қизлар бошлиб берадилар. Қўшиқ аҳангига мос доира жўр бўлади. Қўшиқ қарсак билан айтилади).

Ём атрофи буғдойзор,
Буғдойда кўп хислат бор.
Баҳор пайтида келинг,
Буғдойзорда лола бор.
Буғдойзорда лола бор.

Ём қовунини емабсиз,
Дунёга сиз келмабсиз.
Чайла қуриб ўтирган,
Даласида бўлмабсиз.
Даласида бўлмабсиз.

Дилингизни ром этган
Баҳорими, ёзими?
Тилингизни ёради
Ёмгинанинг узуми
Ёмгинанинг узуми.

Боғларида олхўри
Олмаси бор, ноки бор.
Ёрдамчи хўжаликлар
Ўругу шафтолизор
Ўригу шафтолизор.

Ушбу гўзал қишлоқнинг
Одамлари ажойиб
Кўриб ҳайрон қоласиз
Одатлари ажойиб.
Одатлари ажойиб.

Баҳор пайти қизғалдоқ
Чучмомалар ярашган
Ём қишлоққа ҳавас қиб
Катта-кичик қарашган
Катта-кичик қарашган.

МАЗЗА, ЖОН МАЗЗА

(Қизлар ва ўғил болалар жамоалари фольклор айтишуви)

Айтишув доиранинг “так-така тум, така-така-тум” усули жўрлигида ижро этилади. (Ҳар бир байт 2 мартадан айтилади).

Нақорат

- Қизлар: - Ўйинлар кўп жуда ҳам
Мазза, жо-он, мазза
- Болалар: - Ўйинларнинг ичида
Чиллак ўйини мазза
Мазза жо-он, мазза
- Қизлар: - Мазза, жо-он, мазза
- Болалар: - Чиллак ўйини мазза
Мазза жо-он мазза
- Қизлар: - Сиз обкелинг вассачўл
Биз топамиз чиллак чўп
- Болалар: - Обкеламиз вассачўп
Ёнимизда чиллак чўп.
- Нақорат
- Қизлар: - Томошани бошлайлик,
Чиллак ўйнанг болалар.
- Болалар: - Сиз ҳамкиптокни олиб,
Лапти ўйнанг жон қизлар

Нақорат (Дастлабки 2 байт айтилғандан сўнг)

- Ҳамма: - Мазза, жо-он мазза
- Қизлар: - Лапти ўйини мазза
Мазза, жо-он, мазза
- Ҳамма: - Мазза, жо-он мазза
- Болалар: - Чиллак ўйини мазза
- Ҳамма: - Мазза жо-он мазза
- Ҳамма: - Ютқазганга бир шарт бор
Мазза, жо-он мазза
Ютганларни опичлаш
Мазза, жо-он мазза
(Доира жўрлиги тўхтайди)

АТИШУВ

Қ и з л а р:

Соғоноқнинг суви бор, эҳ боллар
Яқин борманг деви бор, эҳ боллар
Ҳамдам бўлиб киришсак, эҳ боллар
Ҳар бир ишнинг эви бор, эҳ болалар

Б о л а л а р:

Ариқ лабида жийда, жон қизлар
Жийданинг гули майда, жон қизлар.
Бирга ҳамдам бўлмасак, жон қизлар-о
Ишларда ютуқ қайдা, жон қизлар.

Қ и з л а р:

Тоғда бодом гуллайди, эҳ боллар.
Яқинига имлайди, эҳ боллар
Биргаликка не етсин, эҳ боллар
Кўрган кўнгил яйрайди, эҳ боллар

Б о л а л а:

Сув тагида силлиқ тош, жон қизлар
Териб олинг ҳаппак тош, жон қизлар
Тўқ қиловринг кўнглингиз, жон қизлар-о
Ҳар бир ишда биз ёнбош, жон қизлар.

Қизлар ва болалар.

-Юмшоқ экан кўнглингиз, эҳ боллар
- Ширин экан сўзингиз, жон қизлар
Ҳамма: Кўлни қўлга берайлик, бўб дўстлар-о
Ҳамма: Кўшиқ куйлаб ўзимиз, эҳ дўстлар.

ЧУЧМОМА

Баҳор чоғи қирларда - чучмома
Адирларда, ўрларда - чучмома,
Сайҳонларда, ўрларда – чучмома,
Далаларда, боғларда – чучмома,
Чучмо-о-ма, чучмома, чучмома.
Чучмо-о-ма, чучмома, чучмома.

Кир-адирда яйрайди – болалар,
Оlam – olam яшнайди болалар,
Чучмомалар теради – болалар,
Завққа тўлиб қувнайди – болалар.
Чучмо-о-ма, чучмома, чучмома.
Чучмо-о-ма, чучмома, чучмома.

Турфа гуллар сардори – мовийсан,
Гуллар ичра дилдори – мовийсан,
Мовий осмон мисоли – мовийсан,
Эзгуликнинг тимсоли – мовийсан.
Чучмо-о-ма, чучмома, чучмома.
Чучмо-о-ма, чучмома, чучмома.

Баҳор чоғи қирларда – чучмома,
Адирларда, ўрларда – чучмома,
Сайхонларда сойларда – чучмома
Далаларда боғларда – чучмома.
Чучмо-о-ма, чучмома, чучмома.
Чучмо-о-ма, чучмома, чучмома.

ЖОН БУРГАМ

(Ўғил болалар лавҳали ҳазил лапари)

- Бошловчи: - Шокир-р, о-о Шокир!
Ҳамма: - Шокир йўқ.
Бошловчи: - Қаерда?
Ҳамма: - Уйида
Бошловчи: - Нима қиляпти?
Ҳамма: - Бурга бокяпти?
Бошловчи: - Нима-а?
Ҳамма: - (дона - дона қилиб) Бур-га
бок-яп-ти!
Бошловчи: - (яна ҳайрон) Бурга бокяпти?!!
(елкасини қисади)
Ҳамма: - Ҳа!
Бир бола: - (бошловчи олдига келиб)
Ҳали хабаринг йўққа
ўҳшайди. Шокир анчакундан
буён бизга қўшилмай қўйди.
Ҳа десак, Бурга бокаман,
сотиб пулига кооператив
очаман, сен ҳамманг
замондан орқада қолгансан,
энди мен сенларга

- Бошлоқчи:
- Бола:
- Бошловчи:
- Бола:
- Бошловчи:
- Бола:
- Хамма:
- күшилмайман ҳамёни
куруқлар деди.
- Сизлар қараб
туравердиларингми, ҳали
ёшсан, қийналасан
демадиларингми?
- Айтдик, кўнмади. Бор-э дедикда
Қўшиққа солиб юбордик.
- Қандай қўшиққа.
- Боболаримиз айтган “Жон
бургам” қўшиғигада.
- Эшитсак бўладими?
- Албатта бўлади (орқага
болаларга қараб, ўзи эса
микрофонга яқинлашиб),
қани болалар, янги ўрганган
қўшиғимизни бошладик. Мен
айтаман, сизлар қўшиласизлар.
- Бошла бўлмаса.
- Бургам бир ёнда ётириш
- Жон Бургам азамат Бургам!
- Кўп қидириб ўринманг
- Жон Бургам, азамат Бургам.
- Бурга боқмоқда Шокир
- Жон бургам, азамат бургам.
- Қиё боқмайди сизга
- Ўзин санайди ботир.
- Жон бургам, азамат бургам.
- Кўрсатишни истайди
- Жон бургам, азамат бургам.
- Нималарга у қодир

- Бола: - Жон бургам, азамт бургам.
- Ҳамма: - Бурга касал бўлибди.
- Бола: - Жон бургам, азамат бургам.
- Ҳамма: - Юзларига термилиб
- Бола: - Жон бургам, азамат бургам.
- Ҳамма: - Шокир ўйга толибди.
- Бола: - Жон бургам, азамат бургам!
- Ҳамма: - Охир илож тополмай
- Бола: - Жон бургам, азамат бургам.
- Ҳамма: - Докторни чақирибди
- Бола: - Жон бургам, азамат бургам.
- Ҳамма: - Илож йўқлигин билгач
- Бола: - Жон бургам, азмат бургам.
- Ҳамма: - Ғам ғуссага ботибди
- Бола: - Жон бургам, азамат бургам.
- Ҳамма: - Алқисса Шокир ўйлаб
- Бола: - Жон бургам, азамат бургам.
- Ҳамма: - Қассобларга борибди.
- Бола: - Жон бургам, азамат бургам.
- Ҳамма: - Тўрт қассоб тўпланишиб
- Бола: - Жон бургам, азамат бургам.
- Ҳамма: - Бургани йиқитибди
- Бола: - Жон бургам, азамат бургам.
- Ҳамма: - Ойболта чопқи билан
- Бола: - Жон бургам, азамат бургам!
- Ҳамма: - Бургани сўйишибди
- Бола: - Жон бургам, азамат бургам.
- Ҳамма: - Нимта – нимта гўштларга.
- Бола: - Жон бургам, азамат бургам.
- Ҳамма: - Каноралар тўлибди.
- Бола: - Жон бургам, азамат бургам.

- | | |
|--------|------------------------------|
| Ҳамма: | - Нархни бир юз ўн қилиб |
| Бола: | - Жон бургам, азамат бургам. |
| Ҳамма: | - Жон бургам, азамат бургам. |
| Бола: | - Шокир гўштни пуллабди. |
| Ҳамма: | - Жон бургам, азамат бургам. |
| Бола: | - Ҳамма келганга етиб |
| Ҳамма: | - Жон бургам, азамат бургам. |
| Бола: | - Ичак – чавоқ ортибди. |
| Ҳамма: | - Жон бургам, азамат бургам. |
| Бола: | - Дараги кетиб ҳар ён |
| Ҳамма: | - Жон бургам, азамат бургам. |
| Бола: | - Қаторлашиб жойлардан |
| Ҳамма: | - Жон бургам, азамат бургам. |
| Бола: | - Келишибди одамлар |
| Ҳамма: | - Жон бургам, азамат бургам. |
| Бола: | - Ҳеч ким қуруқ қайтмабди |
| Ҳамма: | - Жон бургам, азамат бургам. |
| Бола: | - Ичак – човоқ, каллани |
| Ҳамма: | - Жон бургам, азамат бургам. |
| Бола: | - Шокир роса пуллабди. |
| Ҳамма: | - Жон бургам, азамат бургам. |
| Бола: | - Мен қолдимдеб ғам еманг. |
| Ҳамма: | - Жон бургам, азамат бургам. |
| Бола: | - Қўш қулоғи сизники. |
| Ҳамма: | - Жон бургам, азамат бургам. |
| Бола: | - Мен қолдим деб ғам еманг. |
| Ҳамма: | - Жон бургам, азамат бургам. |
| Бола: | - Туёқлари сизники. |
| Ҳамма: | - Жон бургам, азамат бургам. |
| Бола: | - Мен қолдим деб ғам еманг. |
| Ҳамма: | - Жон бургам, азамат бургам. |

- Бола: - Тилгинаси сизники.
- Ҳамма: - Жон бургам, азamat бургам.
- Бола: - Мен қолдим деб ғам еманг.
- Ҳамма: - Жон бургам, азamat бургам.
- Бола: - Пўстирмаси сизники.
- Ҳамма: - Жон бургам, азamat бургам.
- Бола: - Мен қолдим деб ғам еманг.
- Ҳамма: - Жон бургам, азamat бургам.
- Бола: - Думгинаси сизники.
- Ҳамма: - Жон бургам, азamat бургам.
- Бола: - Мен қолдим деб ғам еманг.
- Ҳамма: - Жон бургам, азamat бургам.
- Бола: - Кўр ичаги сизники
- Ҳамма: - Жон бургам, азamat бургам.
- Бола: - Мен қолдим деб ғам еманг.
- Ҳамма: - Жон бургам, азamat бургам.
- Бола: - Ўпка, ўти сизники
- Ҳамма: - Жон бургам, азamat бургам.
- Бола: - Мен қолдим деб ғам еманг.
- Ҳамма: - Жон бургам, азamat бургам.
- Бола: - Буйрак, талоқ сизники
- Ҳамма: - Жон бургам, азamat бургам.
- Бола: - Биз қолдик деб ғам еманг
- Ҳамма: - Жон бургам, азamat бургам.
- Бола: - Қорин – қачоғи сизники.
- Ҳамма: - Жон бургам, азamat бургам.
- Бола: - Шокирвойдан ғам еманг
- Ҳамма: - Жон бургам, азamat бургам.
- Бола: - Янги режа тузибди
- Ҳамма: - Жон бургам, азamat бургам.
- Бола: - Эрта бозор борармиш.

- Ҳамма: - Жон бургам, азamat бургам.
- Бола: - Бурга бола олармиш
- Ҳамма: - Жон бургам, азamat бургам.
- Бола: - Семиртириб уни ҳам
- Ҳамма: - Жон бургам, азamat бургам.
- Бола: - Сизга – бизга сотармиш
- Ҳамма: - Жон бургам, азamat бургам.
- Бола: - Данғиллама уйларни
- Ҳамма: - Жон бургам, азamat бургам.
- Бола: - Шу пулларга солармиш
- Ҳамма: - Жон бургам, азamat бургам.
- Бола: - Коператив очармиш
- Ҳамма: - Жон бургам, азamat бургам.
- Бола: - Гўштлар арzon бўлармиш
- Ҳамма: - Жон бургам, азamat бургам.
- Бола: - Гўштлар арzon, булармиш
- Ҳамма: - Жон бургам, азamat бургам.
- Ҳамма: - Гўштлар арzon бўлармиш.
- Ҳамма: - Жон бургам, азamat бургам.
- Ҳамма: - Жон бургам, азamat бургам.

КОВУЛИМ, ЖОН КОВУЛИМ

Ём яйлови янтоқзор,
 Янтоқзор қилар хумор
 Янтоқларнинг ичида
 Танга роҳат ковул бор.
 Нақорат

Ковулим, жон ковулим
 Кўрсам яйрайди таним.
 Тарифи ҳам бир достон

Унга етиш тилагим.
Ёмдир ковулнинг кони,
Келинг бўлса имкони,
Меваси ширин – шарбат,
Артигулдек тикани.

Нақорат
Кўнгил очар зиёда
Гули ёхуд пиёла
Путалари узумдек
Ҳосили шода-шода

Нақорат
Жуда барвақт турамиз
Яйлов томон юрамиз
Очилган қовулларни
Тонг сахарда терамиз.

Нақорат

ХИЛВА
Ҳилва, ҳилва , ҳилважон
Хушбўйсан- роҳатижон
Ҳузурингда қолишга
Қанийди бўлса имкон.

Жилға шавқи сен билан,
Булоқ завқи сен билан.
Тоғлар ҳам сенга мағрур
Сойлар кўрки сен билан.

Қизу ўғил боламиз
Сени дилдан севамиз.
Чаккамизга тақволиб
Ғурурларга тўламиш.

Ҳилва, ҳилва , ҳилважон
Хушбўйсан- роҳатижон
Ҳузурингда қолишга
Қанийди бўлса имкон.

ТИЛИМГА ТИРСАК ЧИҚИПТИ, (Лавҳали қўшиқ)

Ж А М О А :

Эшитдингизми миш-миш
Нархлар яна ошармиш
Бир кило гўштнинг пули
Юз элликка чиқармиш.

(оҳанг бир оз тўхтайди, бир бола ёки қиз олдинга чиқиб оғзини ушлаган ҳолда).

- Вой, вой, вой!!!

Тилимга тирсак чиқипти (сўнг олдинда сал четга чиқиб туради)

(2- бола ёки қиз олдинга чиқиб қўл ҳаракатлари билан)

Нега чиқаркан сенга
Тўғри келмас удумга
Тирсак шошилмай турсин
Миш-мишчиларга чиқсин

ЖАМОА :

Дўконларда йўқдирмол
Кўлдан эса танлаб ол
Ҳамён чидаш бермаса
Кўриб кўрмаганга сол.
(бошқа бир бола ёки қиз:

-В-о-о-о-ой ! (Биринчи бола ёки қизни кўрсатиб).

Тилга тирсак чиқипти!!!

(З-бола ёки қиз олдинга чиқиб қўл ҳаракатлари билан биринчи болани кўрсатиб)

Талпинмасин унга хеч
Ҳалол ишлар эрта-кеч
Уни танламай турсин
Олиб сотарга чиқсин

(Жамоа-1,2,3 болалар ҳам кушилиб:)

Қани миш-миш бўлмаса
Нархлар сира ошмаса
Мўл-қўл, арzon бўлса мол
Олиб сотар қолмаса.

